

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

65 ЁШДА

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЗДРАВООХРАНЕНИЕ ЎЗБЕКИСТАНА

«Шифокорнинг кўзи лочиндек ўткир,
қўллари қизларнинг қўлларидек майин,
ақли илон каби донини маъна,
қалби шериниқдек довурак
бўлиши керак».

«Врач должен обладать
глазом сокола,
руками девушки, мудростью змеи
и сердцем льва».

Абу Али ибн Сино.



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган.

№ 42 (298) 2002 йил 21 – 28 октябрь.

Сешанба кунлари чиқади. Сотувда эркин нархда.

УВАЖАЕМЫЕ КОЛЛЕГИ!

Сердечно поздравляю коллектив Ташкентского фармацевтического института с 65-летием со дня основания! Хотелось бы с удовлетворением отметить, что за годы независимости институт достиг существенных успехов в реформировании фармацевтического образования: разработаны новые образовательные стандарты, открыты новые факультеты, изданы современные учебники, активно внедряются в практическую медицину результаты научных исследований. Одним словом, Ташкентский фармацевтический институт проводит целенаправленную политику в области подготовки и переподготовки кадров в соответствии с требованиями и запросами практической фармации. Я надеюсь, что институт не остановится на достигнутом, будет продолжать дальнейшую интеграцию фармации с медицинской, экономической и другими смежными специальностями в тесном сотрудничестве с высшими фармацевтическими образовательными учреждениями развитых стран мира, во взаимодействии с новейшими научными достижениями и требованиями фармацевтической отрасли и практического здравоохранения.

Ф. НАЗИРОВ,
Министр
здравоохранения
Республики Узбекистан.

Хурматли ҳамкасблар!

Ушбу шодиёна кунда Тошкент Фармацевтика институтининг профессор-ўқитувчиларини, талаба ва аспирантларини, барча ходимларини кутлуг байрам – институт таъаллуфининг 65 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаймман!

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Ўзфармисаноат» Давлат-акционерлик концерни ҳам кадрлар бобида ва ўз салоҳиятини юксалтиришда асосан институтга таянади ва ундан кўп нарсани кутади. Концерннинг кўн сайин такомиллашиб бораётгани, ишлаб чиқариш қуларининг сифат жиҳатдан юксалишида, ҳозир ҳаёт учун зарур бўлган дорилар воситалари билан таъминлашда, маҳаллий хом ашёларни дорилар чиқаришга жалб этишда институт асосий таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Юбилей йилда Тошкент Фармацевтика институтини таркибидан «Саноат фармацияси» факультети очилиши, «Дорилар воситаларини стандартлаш» илмий маркази ташкил этилиши бунинг эркин тим-солдир.

Ишончманки, институтнинг концерн билан кадрлар тайёрлаш ва илмий, амалий ҳамкорлиги бундан ҳам мустаҳкамланади, Республикаимизнинг дорилар саноатини ҳаётга татиқ этишда бу ҳамкорлик ўз самарасини беради.

К. ШОДИЕВ,
«Ўзфармисаноат» ДАК
бошқаруви раиси.



Аҳмад ЮНУСХҲҲАЕВ,
Тошкент фармацевтика институтининг ректори,
фармацевтика фанлари доктори, профессор

БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент фармацевтика институтини бунёд бўлганига 65 йил тўлди. У расман 1937 йил 16 июлда Ўзбекистон Соғлиқни

сақлаш халқ комиссарининг 155-сон буйруғи билан Тошкент тиббиёт институтининг заминида, айрим кафедралар асосида ташкил топди. Бу воқеа нафақат Ўзбеки-

тонда балки барча Марказий Осиё давлатларида фармацевтика соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлашга асос бўлди. Олий фармацевтика таълимнинг таркиби, фармацевтлар тайёрлаш дастури мукаммаллашди.

Уш 1937 йилнинг ўзида институтга бирин-кетин Э. Шурпе, П. Архангельский, А. Воллинский, 1938 йилда эса П. Недриг раҳбарлик қилишди. Сўнгра К. Тагиров, профессор Д. Соҳиббоев, академик Е. Туракулов, профессорлар Н. Раҳимов, М. Азизов, Х. Холматов, У. Зокиров, Э. Тошмухамедов, академик С. Искандаровлар 2001 йилгача турли даврларда ректорлик вазифасини баҳарлашди. Тошкент фармацевтика институтини асосчиларининг кўпчилиги ҳозир орамизда йўқ, лекин уларнинг ҳар бири институт бунёд бўлиши ва тараққиётида муҳим ўрин тутди.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилиниши Тошкент фармацевтика институтини ўқув ҳам катта тарихий воқеа бўлди. Институт Республикаимизда босқичма-босқич ўтказилаётган ислохотлар билан биргаликда қадам ташлаб ўзининг ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ишларида, ўқув режалари, стандартлари ва дастурларини жаҳон андозаларига мослашда, моддий-техник базасини янгилашда, 1997 йил 29 августда қабул қилинган кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этишда сабот билан ишламоқда. Бу даврда институтда

(Давоми 3-бетда).



Неъмат ОЛИМОВ,
институтнинг
маънавий ва
матрифий
ишлар бўйича
1-проректори,
кимё фанлари
номзоди

МАЪНАВИЯТ ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф
ўқитиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақкин
минг гаж ила.

А.Навий.

Истиқлол туфайли барча миллий қадриятларимизнинг тикланиши ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан янада қадр топиб, халқимиз қайғитига ижобий таъсир этмоқда. Маънавиятимизнинг бош хомийси И.Каримов аслида, мустақилликнинг илк йилларидаёқ мамлакатимизда соғлом авлод тарбиясини энг устивор восталардан бири этиб белгиланган эди. Шу босиш ҳам бир инсон, у келажакда қайси-қасбда ишламасин, илк бор мактабга қадам қўйган даamlарини, қўлига биринчи бор қалам тутқазган муаллимларини фахр

(Давоми 2-бетда).



**Эркин
ТОШМУХАМЕДОВ,**
фармацевтика
фанлари
доктори,
профессор

ФАРМАЦЕВТИКА ТИЗИМИДАГИ МУАММОЛАР

Аввало, таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Ҳамдустлик давлатлари уртасида биринчилардан бўлиб, 1994 йилда дорихона тизимини ислохот қилди, дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқарди: хусусий, жамоа, акционерлик дорихона муассасалари ташкил қилинди. Шу кунларда Республикаимизда 90 фониздан ортиқ дорихона муассасалари хусусийлаштирилган, қолганлари Республика «Доридармон» давлат-акционерлик уюшмаси тизимида фаолият кўрсатмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатаётган дорихона муассасалари олдида ечилиши лозим бўлган қатор муаммолар турибди: шулар жумласига биринчи галда, дорихона мақоми масаласини ҳал қилиш қиради.

(Давоми 2-бетда).

**Озод
ШОБИЛОЛОВ,**
илмий ишлар
ва ахборот
технологияси
бўйича проректор,
кимё фанлари
доктори,
профессор



ИЛМ-ФАН ЮКСАЛИШДА

Тошкент фармацевтика институтининг илмий изланишлари, таълим йўналишига тўлиқ мос келган ҳолда, янги дорилар моддалари яратиш, дориларини самарали технологияси, тахлил усулларини излаш ва фармацевтика саноатига жорий этишга қаратилган.

Илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг 1999-2002 йилларга мўлжалланган «Республикаимизда маҳаллий хом-ашёлар асосида юқорида самарали препаратлар яратиш, уларнинг ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мавзусида 5-дастур», «Координацион бирикмалар синтези асосида организм учун керакли микроэлементлар билан биоактив моддаларни модификация қилиб ва улардан мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатувчи доривор препаратлар яратиш ҳамда маҳаллий хом ашёларга асосланган ҳолда юқори самарали доривор препаратлар технологиясини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш» мавзусларида муваффақиятли олиб боришмоқда.

(Давоми 4-бетда).

РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ 65 ЁШДА

ФАРМАЦЕВТИКА ТИЗИМИДАГИ МУАММОЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги» қонунга асосан дори-дармон билан савдо қилувчи дори-дармон муассасаларини тартибга солишни тугаллаш зарур. Рецет билан бериладиган дори-дармонлар савдоси билан фақат дори-дармон макони ага бўлган муассасаларига шугулланиши мумкин.

Шу нарса сир эмаски, дори-дармон билан савдо қилаётган лоток, киоск, дуконларнинг аксариятида фармацевтика соҳасига етти ёт бегона кишилар савдо қилаётганлар. У ерларда сотиладиган дори-дармонларнинг нархи, сифати тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Ўқиниб чиқди аҳолини ва соғлиқни саклаш муассасаларини дори-дармонга бўлган талабини қондириш масаласи. Ремедиум журнали маълумотларига қараганда Россия Федерациясида ўтган йилда, аҳолини дори-дармонга бўлган талабини 40 фоизини Россияда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар ҳисобига, 60 фоизи эса чет элдан келтирилган дори-дармонлар ҳисобига қондирилган. Гарбий Европа давлатлари Бельгия, Испания, Франция, Германияда эса бу кўрсаткич 70 ва 30 фоизларни ташкил этган. Бу жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида кейинги 4-5 йил ичида чет эл фармацевтика фирмалари иш-тирокида 15-16 та дори-дармон ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил қилинди. Шу кунга келиб Республикада 260 га яқин дори-дармон турлари ишлаб чиқаришда. Натижада Ўзбекистон Республикаси аҳолисини дори-дармонга бўлган талабини ўртача 10 фоизини Республикада ишлаб чиқариладиган дори-дармонлар ҳисобига, қолган 90 фоиз эса чет элдан келтирилган дори-дармонлар ҳисобига қондирилган экан. Хо-

ридан келтирилаётган дори-дармон нархи эса анча қimmat. Сабаби, чет элдан ишлаб чиқариладиган дори-дармон таннари устига улгуржи савдо корхоналари, НДС, божхона бож, транспорт ва бошқа харажатлар қўшилди. Бу эса аҳоли оила бюджетига таъсир қилмай қолмайди. Демак, аҳолини дори-дармонга бўлган талабини ўзимизда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ҳисобига қондириш долзарб масала ҳисобланади. Демак, ҳаётини зарур дори-дармон асортиментини чет эл фармацевтика фирмалари билан ҳамкорликда қуриладиган қўшма корхоналар ҳисобига қўлайтириш мақсадга мувофиқ бўлади дейиш мумкин.

Учинчи муаммо, бу дори-дармон муассасаларини рентабеллик даражасини ошириш масаласи шу куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида яшайдиган аксарият мамлакатларда савдо, тижорат корхоналарини рентабеллик даражаси 10 фоиздан кам эмас. Республикадаги фармация қўшма корхоналарини рентабеллик даражаси 2-3 фоиздан ошмайди. Бунга сабаб дори-дармон муассасаларининг ялпи даромадининг пастлиги, ишлаб чиқариш, савдо, муомала харажатларининг юқорилигидир. Бу муаммони ҳал қилишда дори-дармон муассасалари ходимларининг тежамкорлик ишларини амалга ошириш билан бирга дори-дармон муассасаларини солиққа тортишда ариим имтиёзлар берилса, бу муаммони ҳам ечиш имконияти туғилади. Масалан, Россия Федерацияси ва қатор давлатларда дори-дармон қўшма корхона соғлиқдан, шунингдек, ҳаётини зарур дори-дармонларни ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ҳам даромад солиғидан озод этилган.


Яна бир масала, бу кейинги 4-5 йил ичида, аксарият дори-дармонлар, бу ҳусусий, жамоа, акционерлик, умуман, мулкчиликнинг турлидан қатъий назар, аҳолига рецет билан яққа тартибда дори-дармон тайёрламай қўйди. Тайёр дори-дармон, сотадиган дори-дармонлар қаторига

ўтиб олди. Бундан 5-6 йиллар илгари дори-дармонларга келган рецетларнинг 15 фоизи атрофидаги дори-дармонларда яққа тартибда тайёрланар, қолган 85 фоизи эса тайёр дори-дармон қўйиб берилади. Шунинг айтиб ўтиш лозимки, тайёр дори-дармон яққа тартибда тайёрлаб берилиши лозим бўлган дори-дармон турлари ўрнини ҳар доим ҳам босавермайди.

Дори-дармон муассасалари давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳусусий жамоа, акционерлик дори-дармонлар ташкил қилиниши собиқ СССР даврида дори-дармон тизими учун яратилган буйруқ, йўриқнома ва қатор меъёрий ҳужжатлар ўз кучини йўқотганлиги, уларни бозор иқтисодиёти шароитига мослаб қайтадан ишлашни, янгитдан яратишни тақозо этади. Кейинги 4-5 йил ичида бу соҳада 10 га яқин буйруқ, йўриқнома ва меъёрий ҳужжатлар яратилди. Аммо, фармацевтика хизмати, дори-дармон муассасаларини бошқариш, дори-дармон муассасаларида товар ва моддий бойликларни ҳисоб ва ҳисоботи, дори-дармон иқтисодий кўрсаткичларини режалаштириш, дори-дармон муассасалари ходимлари шатини ҳисоблаш, дори-дармонларда иш юритишни ташкил қилиш каби қатор йўриқнома, меъёрий ҳужжатлар шу кунга қадар яратилган йўқ. Ўғри, собиқ СССР даврида бундай буйруқлар, йўриқнома ва меъёрий ҳужжатлар мамлакатдаги 30 дан зиёд фармацевтика олий ўқув юртилари ва илмий текшириш институтларининг илмий педагогик ходимлари жамоаси иш-тирокида яратилган эди. Аммо, ўзбек халқининг: «Қимирлаган қир ошар», «Кўз қўрқок, қўл ботир», деган ҳаётини, ибратли, нодир мақоллари бекорга айтилмаган бўлса керак.

Бу муаммони мутасадди ташкилотлар томонидан Республикадаги юқори малакали мутахассислар, олий ўқув юртиларининг илмий ва педагогик кадрлари потенциалдан самарали фойдаланиш натижасида ҳал қилишга эришиш мумкин бўлади.

Хотира уйғонса гўзалдир

МАКТАБ
ЯРАТГАН УСТОЗ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иxtирочи, кимё фанлари доктори, профессор Маннон Азизович Азизов Тошкент Фармацевтика институтини бунёд бўлишида ва ривожланишида, унинг номини улуғланишида катта ҳисса қўшган, буюк инсондир.

2003 йил 1 майда Маннон Азизов ҳаёт бўлганларида 90 ёшга тўлган бўлар эдилар. Маннон Азизовнинг илмий хизмат-

лари илм ахли, айниқса, кимё-гарлар, дори-дармонлар орасида маълум. М. Азизовнинг координацион бирикмалар соҳасидаги машҳур ишлари, яратган илмий мактаби, тайёрлаган шогирдлари, ихтиро қилган ферамид, коамид каби дори-воситалари, ветеринарий ва кишлоқ ҳўжалигида кенг қўлланилган биосамаралар бирикмалари, қолдирган дурдона фикрлари унинг донолигининг тим-солдир.

Маннон Азизович қарийб 15 йил Тошкент фармацевтика институтига ректорлик қилдилар, бир неча йил аналитик кимё кафедрасига, марказий илмий-текшириш лабораториясида илмий раҳбар бўлиб ишладилар.

У киши ҳаммаша ҳаммининг назарида, талабчан ва меҳрибон, адолатпарвар, феъл-келми, узоқни кўра билладиган аллома эдилар.

Бугун институтнинг 65 йиллик тўйида хассос мураббий, моҳир ташкилотчи, устоз Маннон Азизовичга шогирд тушган, ундан бегарз яхшилик, муруват кўрган, ўзини бурчдор, қараздор ҳисоблаб юрган одамлар уни энг илх хиссини билан хотирлайдилар.

А. ЮНУСХУЖАЕВ,
Тошкент фармацевтика институтининг ректори,
фармацевтика фанлари доктори, профессор.

ИЛМГА
БАХШИДА
УМР

Профессор Абдулла Хошимов Тошкент шаҳрида 1908 йилда таваллуд тогган. 1927 йилда Наримонов номидаги педагогика билим юртини биттириб, 1928 йилгача Сурхондарё вилоятининг Бехудин шаҳридаги мактабда ўқитувчи лавозимида ёшларга билим берган.

1928 йилдан бошлаб, у Ўрта Осиё давлат университети тиббиёт факультетининг талабаси бўлган ҳамда Ўрта Осиё тиббиёт институтини тейролов курсида (1929-33 й.) раҳбарлик қилган. У вақтда маърузаларни рус олимлари ўқир эдилар.

Абдулла Хошимов меъёр физиологиядан ўқилладиган маърузаларни синхрон таржима этишда фаол иштирок этарди.

1933-36 йиллари у Тошкент тиббиёт институтини меъёр физиология кафедрасининг аспиранти бўлиб ва 1936 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва ўша кафедрада доцент лавозимида 1941 йилгача ишлади. Сўнгра у 1941-44 йилларда иккинчи жаҳон урушида қатнашди. Абдулла Хошимов фронтда тиббиёт батальони сардорик бўлди, ордени ва медаллар билан тақдирланди. Фронтдан қайтгач, Абдулла Хошимов педагогика ва илмий ишлар билан шугулланиб, 1955 йилда оват хазм бўлишида қон айланишининг ўзгариши мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва 1957 йилда профессор лавозимини эгаллади.

Профессор Абдулла Хошимов оват хазмлашиши ва илмий физиологияси йўналишида тадқиқотлар утказиб, 100 дан

ортик илмий мақолалар ва 2 та монография эъзон қилди. Унинг раҳбарлигида 20 дан ортик фан номзодлари, бир неча фан докторлари тайёрланди.

1961 йилда Абдулла Хошимов Тошкент Фармацевтика институтини қўридаги физиология ва одам анатомияси асослари кафедрасига мудири этиб тайинланди ва бу лавозимда 1970 йилгача ишлади. У кафедрада илмий иланишларини, ўқув жараёнини юксалитишда катта ҳисса қўшди. Шу билан бирга Ўзбекистон Физиолог олимларининг жамиятига раислик қилди.

1966 йилда профессор Абдулла Хошимов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонига сазовор бўлди.

Абдулла Хошимов оват хазмлашиши ва илмий физиологияси соҳасида ўчмас из қолдирган олимдир.

«От ўрнини той босар», деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Абдулла Хошимов шогирдлари хозирда устозларининг ҳали яқинини толмаган ишларини давом эттиришмоқда.

Х. МУСАЕВ,
биология фанлари доктори.

МАЪНАВИЯТ ҲАЁТ КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

билан эслаб юради. Инсониятнинг энг ёрқин орзуларидан бири баркамол авлод тарбиясидир. Шу боис, инсон доимо маърифатга, маънавиятга интилади. Маъзур масала ечимини эса аввало маънавият билан боглик. Маърифатли инсонлар ҳамма ҳолларда ҳам эъзозлаб келинган. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар» кунини деб эълон қилинди. Халқимизнинг буюк яратувчилик кудрати ҳисмонан ва ақлан соғломлик билан чамбарчас боглик. Айни шу мақсадда иш олиб бораётган бугунги фармацевтлар — жаҳон фармацевтлар илмий назарияси ва амалиётида муносиб ўрин эгаллаган, дунё таърибаси билан бойиб бораётган гоят кенг тармоқли соҳадир. Айни пайтда халқимиз саломатлигини ҳимоя қилиш ақлан ва ҳисмонан соғлом авлодни вужудга келтириш билан бирга Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Беруний сингари жаҳон тан олган бобокалонларимизнинг ишларини давом эттириб, она юртимиз шухратини дунёга ёймоқдалар.

Айни шу мутахассисларни тайёрлашга иxtисослашган Тошкент Фармацевтика институтини давом эттириб, она юртимиз шухратини дунёга ёймоқдалар. Айни шу мутахассисларни тайёрлашга иxtисослашган Тошкент Фармацевтика институтини давом эттириб, она юртимиз шухратини дунёга ёймоқдалар. Айни шу мутахассисларни тайёрлашга иxtисослашган Тошкент Фармацевтика институтини давом эттириб, она юртимиз шухратини дунёга ёймоқдалар.

да энг долзарб усул ва шакллари аниқлаб, уларни самарали қўллаш устида иш олиб борилмоқда. Бу масалани ҳал қилишда талаба фармацевтларни тарбиялаш ва ахлоқий ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қартилмоқда. Мана, икки йилдирки институтимиз ректори профессор А. Юнусхўжаев раҳбарлигида таълим-тарбия, ўқиш ва илмий соҳада катта ўзгаришлар амалга оширилди. Талабаларни ўқув-амалий дарсларда энг охириги замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиб, шу соҳада мукаммал мутахассислар тайёрлашдек мақсад амалга оширилмоқда.

Ўқитувчи-мураббийларимиз ҳаммаша эъзозланиб, уларнинг меҳнатлари доимо қадрлаб келинмоқда. Айниқса, бугунги кунда нафақада бўла туриб ёш педагог кадрларни тайёрлашдек эзгу ишларни ҳам амалга оширадиган устозларимиздан профессорлардан С.Аминов, Х.Холматов, Т.Пўлатова, Л.Икромовлар ва бошқаларнинг ишлари таҳсинга сазовордир. Бугунги кунда таълим олаётган иктидорли талабаларимиздан бир гуруҳи халқаро олимпиадаларда қатнашиб ғолиб бўлиб келмоқдалар.

Институтимизни ташкиллаштиришда ва фармацевт кадрларни Республикадаги энг етиштириб беришда фидокорона меҳнат қилган марҳум устозимиз профессор М. Азизов номидаги стипендия Илмий кенгаш қарори билан 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб жамоат ишларида, ўқишда энг юқори кўрсаткичларга эришган 5 нафар талабаларимизга берил-

диган бўлди. Икки йилдирки Ўзбекистон Республикаси Дори-Дармон давлат акционерлик уюшмасининг стипендияси билан 15 нафардан зиёд талабаларимиз тақдирланиб келинмоқда.

Замонавий илмдан, ахборот-технологиялардан кенг фойдаланиш ва сифатли кадрларни тайёрлаш мақсадида талабалар уйда яшовчи 300 нафар талабаларимиз учун алоҳида қутубхона, интернет тизими жорий этилган бўлиб, шартнома асосида тахсил олаётган талабаларимиз бемалол ўз илмий ишларида керакли илмий адабиётларни интернет орқали олиб фойдаланмоқда.

Бугунги кунда қилаётган барча ишларимиз эзгу мақсадларга хизмат қилади деган умид-дамиз.

ЎВАЖАЕМЫЕ КОЛЛЕГИ, ДОРОГИЕ ДРУЗЬЯ!



Сегодня мы отмечаем 65-летие Ташкентского фармацевтического его института. Я искренне поздравляю коллектив института с этим юбилеем. Это наш общий праздник. Напомню, что в области фармации узбекские ученые добились значительных успехов, в частности, и в создании новых оригинальных лекарств, а также препаратов на основе местных сырьевых ресурсов.

Узбекистан как независимое государство раз и навсегда избрал свой ориентир, определив национальную лекарственную политику. Уверен, что интеграция в фармацию образования, науки и производства будет всячески содействовать дальнейшему развитию и подъему деятельности ученых и практических работников, работающих в области фармацевтической науки и промышленности.

Б. К. МАХАТОВ,
профессор, проректор Южно-Казахстанской
Государственной медицинской академии.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ 65 ЁШДА



(Давоми. Боши 1-бетда).

биотехнология, агроэкология, саноат фармацияси, фармация касб-таълими йўналишлари, ихтисослашган кенгаши, шунингдек, дори воситаларини стандартлаш илмий маркази ташкил этилди. Агар мустақилликкача тақлиф этилган дорилар сонини унганга бўлса, мустақилликдан кейин улар сонини эътибордан олди. Мана, 10 йилдан бери институт таъсисчилигида «Кимё ва фармация» журналин мунтазам равишда чоп этилмоқда. Эндиликда журнал Республикаимиз фармациясига фани ва амалиётнинг кўзгусига айланди. Кейинги вақтда институтда ўқитувчилар тарихининг, илмий изланишлари сифатини яхшилаш, моддий-техник базасини мустахкамлаш ва кенгайтириш янги асосга қўйилди. Институт янги Олий фармациясига таълими концепциясини яратиш ташаббускори бўлди. Тошкент фармациясига институтнинг муваффақиятларида жамоанинг юксак ижодий фаоллиги, меҳнатқашқир асосий омили бўлди.

Институт мутахассислар тайёрлаш ва илмий изланишлар ривожланишида катта ҳисса қўшган академик Э. Тўракулов, Ўзбекистонда хизмат қўсатган фан арбоблари, профессорлар М. Азизов, А. Муртазоев, Р. Казанович, К. Юффе, З. Уманский, Х. Холматов, А. Хошимов, З. Манукян, Ўзбекистонда хизмат қўсатган тиббиёт ходимлари, профессорлар Э. Тошмухамедов, М. Махсумов, доцент А. Ибодов, Ўзбекистонда хизмат қўсатган ўқитувчи, доцент А. Раҳимов ва бошқаларнинг хизматлари бекибди. Улардан кейинги авлод намояндалари, профессорлар С. Махматов, Л. Икромов, Б. Садриддинов, Т. Пулатова, Х. Ҳакимов, В. Каримов, доцентлар З. Назиров, И. Асатов, И. Харламов, Е. Кодиров, Р. Зияев ва бошқаларнинг институт раёнидаги бетиним меҳнатларини чуқур ҳурмат билан тилга оламиз. Заҳматқаш олимлар, таърибали ўқитувчилар, таълим фидойиларининг оқилона меҳнати туфайли институтнинг анъана ва услублари мустахкамланди. Жамоа орасидан талантли олимлар, педагоглар етишиб чиқди. Улар қаторига фан докторлари, профессорлар С. Аминов, Х. Алиев, О. Шойлолов, Х. Комилов, У. Аҳмедов, З. Назарова, А. Ибрагимов, Х. Комилов, Х. Зайнутдинов, М. Тоқиев, А. Тўлаганов, Х. Юнусова, К. Махмуджонов, А. Каримов ҳамда фан номзодлари ва доцентлари М. Мироллимов, М. Усуббоев, Ф. Урмонова, Х. Тўхтаев, С. Насриддинов каби билимни қўшиш мумкин.

Фармациясига таълими ва фани тараққиёт йўли ҳамда истиқболларини таҳлил қилганда соҳада юз бераётган муҳим ўзгаришларни, айниса хусусий дорионалар пайдо бўлгани, элли-

дан ортқ янги фармациясига корхоналарнинг ишлаётгани, йирик қўшма корхоналар ташкил этилгани, республикамиздаги бой маҳаллий хомашлар заҳираларини иноватга олмай илож йўқ, Хусусан, мавжуд фармациясига корхоналарида бор-йўғи 1-2 фоизгина мутахассис олий фармациясига мазлумотига эга эканлиги ачинарли

ўқув жараёнига янги ўқитиш технологияларини жорий этиш бўйича изланишлар олиб бормоқдалар. Аввало, ўқув жараёнига янги услубий тизимни жорий этиш, барча фанлар бўйича маърузалар матнини чоп этиш, уларнинг электрон нусхаларини яратиш, очик маърузалар, кўргазмалар маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказишни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Хозирда институтда ўқитиладиган барча маърузаларнинг, бир неча қўлланмалари электрон нусхалари яратилган. Ўқитиладиган дорилар, бўлажак соҳага оид мультимедиялар олинган. Электрон дарсликлар ёзиш бошлаб юборилган. Ўқув жараёнига янги педагогик технологиялар, ўқув воситалар жорий этилмоқда. Интернет тизимининг барча кафедраларга, бўлимларга ва кутубхонага ўрнатилгани туфайли бизнинг талабалар бутун жаҳон билимлар маскани билан мулоқотда бўлишга мурасид бўлдилар. Тошкент фармациясига институтнинг сайти орқали биз ҳам ўзимиз ҳақимизда мунтазам равишда интернетга ах-

лари учун фармациясига малакасини ошириш таълими бўйича факультет иши яхши йўлга қўйилган. Факультетда дориона муассасаларидаги иқтисодиёт ва фармациянинг долзарб муаммолари; дори воситаларининг сифат назорати, дори турининг технологияси, дорилов ўсимликларини стандартлаш ва сифатини назорат этиш йўналишлари бўйича дарслар олиб боришда ўтган йилдан бошлаб факультетда даволаш профилактика муассасаларидаги дориона ходимларининг малакасини ошириш учун махсус курс очилди. Ўқитиш тугатилган сўнг сертификат ва соҳага оид махсус ҳужжатлар берилади. Ўқитиш сифатини яхшилаш, ҳаражатларини камайтириш, узлуксиз таълимни тақомиллаштириш мақсадида биринчи бўлиб шу факультетда масофадан ўқитиш тизими жорий этилмоқда.

Институтдаги илмий ишлар ҳам фармациясига бозорини таҳлил қилиб, хом-ашё заҳираларини ўрганиб, аниқ мақсад ва вазифаларни қўлаб ташкил этилмоқда. Шуни эътиборлики, бизнинг жамоада дори воситалари яратиш бўйича

олимларимиз дори воситаларини олишда бентонит каби минерал хом-ашёлар, мўйи, гилла махсусоти, прополис, ари заҳари каби табиий ресурслардан самарали фойдаланмоқдалар.

Шуни таъкидлаш лозимки институтдаги профессор-ўқитувчиларга муносиб ўринбосарлар тайёрлаш мақсадида илмий ишларга биз ёш олимларни, ихтидорли талабаларни кенг жалб этилмоқда. Улар талабалар илмий жамоида, илмий-техникавий, инновация дастурларида фаол иштирок этишмоқдалар. Ҳар йили бўладиган анъанавий талабалар илмий конференциясида, академия институтларида, халқаро миксдаги анжуманларда ҳам маърузалар билан қатнашмоқдалар. Чунончи шу йил Қозғистонда бўлиб ўтган талабалар тиббиёт институтлари ўртасидаги халқаро конференцияда институтдан 11 нафар талаба олиб борган илмий ишлари натижалари бўйича маъруза қилди, бунда 3-курс талабаси Хурсанд Комилов фахрли биринчи ўринни олишга мурасид бўлди.

Яна бир муҳим янгилик, яқиндан бошлаб институт қўшида мустақил иш юритувчи «Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази» иш бошлади. Бу таъкилотга юқори малакали ёш олимлар жалланган бўлиб, марказ дори воситаларининг сифатини назорат қилиш, стандартлаш, қарақ бўлса технологиясини, заҳарлигини, специфик фармациясига хусусиятларини, қарийб барча клиникагача бўлган тадқиқотларни ўтказишга, патент идорасига, фармакопея қўмитасига тақдим этиш ҳужжатларини тайёрлаш қўшадига эга. Илмий марказ энг нобаб асбоб-ускуналар, қурilmалар билан жиҳозланган. У ҳозирда турли хориқ фирмалари билан яқиндан алоқа ўрнатган. Шу йилнинг ўзида марказ 26 миллион сўмлик 13 та шартнома бўйича ишламоқда. Яқинда Тошкент фармациясига институт, Фармаксин ва Илмий марказ «Agilent Technology» компаниясининг нобаб асбоб-ускуналарига ишлашни ўргатувчи мунтазам фаолит қўрсатувчи тренинг-семинар марказини ташкил этишга қелишди олишди. Ҳозирданок унга «Ўзфарманоат», Мудофаа вазирлиги, хусусий фирмалар ва қўшма корхоналардан буюртмалар турмоқда.

Энди институтнинг келажак истиқболларига келсак, режаларимиз катта. Аввало, бизга яқин бўлган тиббиёт, иқтисодиёт, технология соҳалари билан фармация соҳасининг интеграциясини кенгайтириш, клиник фармация, ишлаб чиқариш менежменти, саноат иқтисодиёти, косметология воситалари технологияси, ветеринария фармацияси каби янги мутахассисликлар тайёрлашни ташкил этишди. Мақсадимиз ҳозирги замон билан ҳамнафас маънавий баркамол кадрлар тайёрлашдир. Бунда Президентимиз айтганларидек юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили эканлигини қўзда тутиб меҳнат қилишимиз лозим.

Ушбу муқтасар мақола Тошкент фармациясига институтининг 65 йиллик бой тарихини, босиб ўтган йўлини тўла баён этаолмайди. Улар институт ҳақида тайёрланаётган махсус альманаҳда ўз аксини топишига умид қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб устозларимизни, қадрдон институтнинг барча профессор-ўқитувчиларини, талабаларини, бутун фармациясига фани ва саноати, дорионалар ходимларини қутлуқ қун – Тошкент фармациясига институтининг 65 йиллик тававалуди билан табриклаймиз!

БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ҳолдир. Шунинг учун 2002-2003 ўқув ўқув йилидан бошлаб саноат фармациясига йўналишга талабалар қабул қилина бошланди. Бунинг учун пушта тайёргарлик қўрилди. Бир неча ўқитувчилар шу соҳа бўйича Украина Миллий фармациясига академиясида таҳсил олиб

боротлар узатиб тураимиз. Институт видеоотека фондига етакчи олимлар, шу жумладан, чет эл мутахассисларининг ҳам маърузалари бор, улардан талабалар алоҳида ёки гуруҳ бўлиб фойдаланадилар.

Охириги вақтда институт профес-

симларлар, технологлар, фармакологлар, ўсимликшўнослар, иқтисодчилар ҳамкорликда ишлашда, шунга яраша асбоб-ускуналар, керакли реактивлар мавжуд.

Ҳар бир мутахассиснинг аниқ вазифаси мавжуд бўлиб, уларнинг қўлаб ишлашда. Бу ўз самарасини бермоқда. Яқинда жуда қўшма мундарида оригинал, дунё бўйича ўхшаши йўқ, «Қўпир» ва «Пирацин» препаратлари «Ўзимфарм» ва «Сурхон ажанта» корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий этилди. Хозирда Тошкент фармациясига институтда Фан ва технологиялар марказининг ҳамда «Ўзфарманоат» бюромаси бўйича жами қарийб 32 миллион сўмлик олти илмий-техникавий ва инновация лойиҳалари устида ишлар олиб боришмоқда; 2003-2008 йиллар бўйича эълон қилинган танловга ҳам анемия, туберкулёз, витилиго, саратон, диабет, ошқозон яраси касалликларига қарши, ҳамда гериятрик препаратлар яратиш бўйича ўндан ортқ лойиҳалар тайёрлаб топилди. Шуни таъкидлаш лозимки, биз илмий изланишларни табиий хом-ашёлардан дори-дармон яратиш масаласига йўналтирганмиз. Зеро, бизнинг республикамиз флорасида 4000 дан зиёд ўсимлик турлари мавжуд. Улардан 600 таси халқ табибатида қўлланилади, бор йўғи 10 фоизгина расмий тиббиётга жорий этилган. Дорилов ўсимликлар энг кам нохуш таъсир қўрсатувчи восита эканлигини ҳисобга олсак, бу соҳанинг истиқболи нисоятда юксак эканлигини англаш мумкин. Шундай экан, биринчи галда энг зарур шифобахш ўсимликлар турини йўқ бўлиб кетиш хавфи бизни қайғуртирмоқда. Шунинг учун институт олимлари дорилов ўсимликларни маданий дораптириб, парваришлаш технологиясини яхшилаш, уларнинг тўқима ва ҳужайралардаги биологик



келдилар. Эндиликда Ўзбекистоннинг фармациясига таълими бакалавр даражасида 4 та йўналишда (фармация, биотехнология, агроэкология, фармация касбий-педагог), шунингдек, магистратура даражасида 6 та ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бўлғуси мутахассислар институтда кимёвий фанлар: ноорганик, физик, коллоид, аналитик, органик, биологик, токсикологик ва фармациясига кимё фанларини чуқур ўрганиб, фундаментал билим оладилар.

Фармациясига мутахассислар тайёрлашда тиббий биологик фанлар: физиология, анатомия, патология, ботаника, микробиология, гигиена, фармакология, фармакокинетика, фармакотерапияга алоҳида ўрин берилган. Бунда асосий эътибор бизнинг соҳамизга оид фанлар: дорилов технологияси, фармациясига иқтисодиёт ва менежменти, фармациясига кимё, фармакогнозия ҳамда фармакология фанларига қаратилган. Институт профессор-ўқитувчилари

сор-ўқитувчилари томонидан 5 та дарслик, 10 дан ортқ ўқув қўлланмаси чоп этилди. «Фармакогнозия» дарслиги (Х. Холматов, У. Амедов) 2000-2001 ўқув йили якунида мутахассислар фанлари бўйича энг яхши дарслик деб тан олинди.

Бизда фармациясига таълим ислохоти кимёвий, тиббий-биологик ва соҳа фанлари стандартларининг янги авлодини яратиш билан бошланди.

Бу йил кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи сифат босқичи бошланди. Бизнинг мутахассисларимиз ҳам ҳар томонлама ҳозирги замон илгор доришўнослик янгиликларидан бобабар билимдон бўлишларида эътибор қўйилди. Биринчи галда улар дори препаратларининг таркиби, бир-бирига мос келиши, безарарлиги, соҳага оид қонунқоидаларни яхши билишига эътибор қўйилди. Бунда фармациясига дори-дармонларнинг биосамардорлиги, организмнинг айрим дорилов учун резистентлиги, препаратларнинг фармакокинетикаси уларни нохуш таъсирларини яхши билишга, таҳлил усуллари синчковлик билан ўрганишга алоҳида ургу берилмоқда.

Бозор иқтисодиёти даврида талабалар касб билимларидан ташқари тадбиркорлик, маркетинг, нархнинг келиб чиқиши, ташқи иқтисодий фаолият касби соҳаларини яхши ўлаштириши талаб қилинади. Бинобарин, бу борада олдин институтни тугатган мутахассислар орқанда қўлиб кетмаслик-



ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ 65 ЁШДА


ИЛМ-ФАН ЮКСАЛИШДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Илмий изланишларда Марказий илмий текшириш лабораторияси ва институт кафедраларининг 200 дан ортик профессор-ўқитувчилари ҳамда илмий ходимлари жонбозлик кўрсатмоқда. Уларнинг 27 нафари фан доктори ва 94 нафари фан номзодларидир. Тадқиқотлар натижасида сўнгги беш йилда 600 дан ортик илмий мақолалар, 17 та монография ва дарсликлар 30 дан ортик

бошликлар, етакчи мутахассислар, кўшма корхоналар директорлари, профессор ўқитувчилар иштироки билан «Табиий препаратлар — амалиётга» мавзусидаги илмий амалий семинар ўтказилди. Унда институтда ишлаб чиқилган ва тиббиёт амалиётида қўллаган рухсат этилган 30 дан ортик дори воситаларини саноат ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш, ҳамда фармацевтика бозорига киритиш учун уларни инновацион дастурларга белгилаш бу йўлда ТошФарМИ, УзР ФТДК,

ОАЖ белгиланди. Ҳозирги кунда институтда яратилган оригинал препаратлар Купирнинг 0,15% ли инъекция учун эритмиси «Ўзимфарм» ОАЖ томонидан ва Пирациннинг 0,25% ли инъекция учун эритмиси К К «Сурхон Ажанта» томонидан саноат миқёсида ишлаб чиқарилмоқда.



Бў соҳада қилинадиган ва ўз навбатида кутаётган ишлар кўп. Бў ишларни жадаллаштириш мақсадида институтда «Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази» ташкил этилиб, у хориждан келтирилган энг нобо асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Марказда иқтидорли юқори маалакли еш олимлар бир қатор чет эл фирмалари билан боғланиб, самарали иш олиб бормоқдалар. Илмий тадқиқот ишлари илмий педагогик кадрлар тайёрлаш билан узвий боғлиқ равишда олиб боришмоқда. Бў борадаги ишлар иқтидорли талабалар билан ишладан бошланади. Режа асосида мунтазам олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Талабалар мустақам назарий ва амалий билимларга эга бўлаётганлари сабабли, кафедраларда олиб борилаётган жиддий илмий-техникавий изланишларда фаол қатнашмоқдалар. Натижалари бўйича илмий мақолалар чоп этишиб, Республикада ва хорижда ўтказилаётган талабаларнинг халқаро анжуманларида маърузалар қилмоқдалар. Жумладан, шу йилнинг 25-26 апрель кунлари Жанубий Қозғистон Давлат тиббиёт академиясида ўтказилган халқаро талабалар анжуманида 12 нафар иқтидорли талабалар маъруза билан қатнашдилар. Шулардан Х. Комилов, И. Чубукова маърузалари юқори баҳоланди ва уларга совринли I ва III ўрин берилди. Хамма талабалар маъруза матнлари тўпламда чоп этилди. 15-16 май кунлари институтимизда «Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази» хомийлигида ўтказилган анжана-

ЁШЛАР ТАЯНЧИ!




Яхши ният, эзгу мақсад билан бошланган ишнинг натижаси ҳамisha хайрли бўлган. Кимки ўз келажаги, айниқса, фарзандининг эртасини ўйлаб, улкан ишга қўл урар экан, уни халқ маъқуллайдди, олқишлайди, жумладан, ёшлар ҳам бефарқ турмайдди.

Президентимиз мустақилликнинг илк йилларидаёқ ёшлар масаласини ижтимоий масала даражасига кўтарганлигида катта маъно бор. Негаки ёшлар — жамиятимизнинг асосий тиргаги. Бу тиргак қанчалик мустақам бўлса, Ватанимиз равнақи шунча олга силжийди, тараққиётимиз суръати шунча тезлашади.

Мана, бир ярим йилдан буюн «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент Фармацевтика институти бошлангич ташкилот фаолият юритиб келмоқда. Ёшларни маънан барқамол, рухан тетик, умуман соғлом турмуш талаблар асосида тарбиялашга хизмат қилаётган «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати атрафида «Мен Ватанга нима беришим керак» деган саволни ўз олдига қўй билган ёшлар бирлашган. Бугунги кун, бугунги замон ёшларимиздан шунчи талаб қилмоқда. Бошлангич ташкилотда айниқса, таълим борасида янгича сабоқ олиб, дунёга очик кўз, янгича нигоҳ билан қарашга интилаётган ёшларимиз сардор бўлиб, бошқа тенгдошларига ўрнак бўлимоқда. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг олдида қўйган вазифаларидан бири ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларимизнинг ақл-заковати, билимини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб бериш юзасидан қўлаб қўйиб олиб боришмоқда. Шу вазифалар асосида бугунги кунда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент Фармацевтика институти бошлангич ташкилот ёшларнинг ҳар томонлама суянчи ва таянчи бўлишдек вазифани бажармоқда.

О. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тошкент Фармацевтика институти «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошлангич ташкилоти етакчиси.



Тиббиёт амалиётида қўллаган рухсат этилган институтда ишлаб чиқарилган препаратлар сони.

янгги юқори терапевтик таъсирга эга, ноҳўя таъсирлардан холи, иқтисодий самарадорликка эга маҳаллий хом ашёлар асосида яратилган препаратларни тиббиётда қўллаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан шаходатномалар берилди. Бў перепаратлар 22 та патент ва дастлабки патентлар билан муҳофазаланган.

Тугалланган илмий ишларни саноат тадбири муаммоларини хал қилиш мақсадида институти ректорининг ташаббуси билан, 30 май 2001 йилда Тошкент Фармацевтика институтида фан ва технологиялар маркази, УзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзимфарм» ДАК ва Тошкент Фармацевтика институтининг биринчи раҳбарлари, уларнинг муовинлари, бошқармалар

«Ўзимфарм» ДАК ва «Доридармон» ДАУ ўртасида ҳамкорлик олиб боришга келишилди.

Қисқа вақтда «Тошланган» прополис экстракти ва ундан дори шакллари тайёрлаш усуллари «Стандартланган мўйме субстанцияси асосида дори препаратлари ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш», «Қўпир препаратининг инъекция учун эритмасини МТХ ни ишлаб чиқиш ва уни саноат ишлаб чиқаришини ўзлаштириш» каби илмий-техникавий давлат буюрмаларини бажариш бўйича ва Тошкент фармацевтика институти ўртасида 32,0 млн. сўм ҳажмда 7 та шартномалар тузилиб, улар бўйича жадал ишлар йўлга қўйилди.

Шуни таъкидлаш лозимки бундай қўламда танловли илмий-техникавий ва инновация дастурлари биринчи бор амалга оширилди.

Бў препаратларни ишлаб чиқарувчи сифатида «Ўзимфарм»

ган Халқаро анжуманида институтиимиз талабалари билан қатнашиб 1-даражали диплом билан тақдирландим. Кафедрада менга ўхшаган иқтидорли талабалардан 8 нафари ижод билан шуғулланишди. Бў ерда биз нафақат илмий иш қиламиз, балки кутубхонада илмий адабиётлардан, рефератив журналлардан фойдаланиш сирларини ўрганамиз, профессор-ўқитувчилар билан ҳамкасблардек ижод қиламиз, илмий семинарларда қатнашамиз.

Кафедрада шундай ижодий муҳит яратилганики, биз эртдан кечгача шу ерда бўламиз. Кафедрада компьютер синфи мавжуд бўлиб, у ерда компьютерда ишлаш, интернетдан ўзимизга кераклик манбаларни қидириш бўйича ҳам сабоқ оламиз. Устозимизнинг «студент — сидкиддан меҳнат қилувчи демакдир, у мустақил фикрлаши, ҳар нарсга ижодий ёндашиши лозим», деган сўзлари доимо қалбимиздадир.


Ҳозирда орузим устозим билан ҳамкорликда ишлаб, тиббиёт амалиётига самарали, безарар дори воситасини тадқиқ этиш.

Хурсан КОМИЛОВ,
Тошкент Фармацевтика институти, фармацевтика факультетининг 4-курс талабаси.

ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ

В настоящее время Центральная научно-исследовательская лаборатория (ЦНИЛ) института призвана ведущей в области химии координационных соединений в республике и за ее пределами. Значительный научный потенциал (2 доктора и 6 кандидатов наук, всего 18 сотрудников) позволяет успешно проводить исследования по целенаправленному синтезу биоактивных комплексных соединений и изучению их доклинических показателей. Фундаментальные исследования, проведенные под руководством основателя ЦНИЛ профессора М.А. Азизова, позволили создать оригинальные лекарственные средства, обладающие более высокой биологической активностью и меньшей токсичностью в сравнении с существующими аналогами. Внедрены в производство такие препараты, как коамид, ферамид, пирацин, купир, кобальт-30 и др.

Н. Г. СМАГЛЮК,
руководитель ЦНИЛ к.х.н.




ЭЗГУ НИЯТИМ — ИЖОД ҚИЛИШ

Мен 1999 йилда Тошкент Фармацевтика институтига ўқишга кирдим. 2-курсдан бошлаб ўқиш билан бирга талабалар илмий жамиятига аъзо бўлиб, профессор Собир Нигматович Аминов раҳбарлигида илмий изланишлар сирлари билан таниш бордим. Устозим менга жонқурлик билан ўзларининг улкан салоҳияти ва чуқур билимларидан сабоқ бериб келмоқдалар. Мен маҳаллий доривор хом ашёларини камқувватликка қарши восита-

лар, қандли диабетни даволашга қўллаш мумкин бўлган биофаол моддалар олиш технологиялари ва уларни таҳлил қилиш усуллари билан шуғулланмоқдам. Изланишларимиз натижалари асосида 2001, 2002 йилларда илмий анжуманларда қатнашдим. Бў маърузалар биринчи мукофоти ўринга лойиқ деб топилди. 2002 йилда Қозғистоннинг Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган тиббиёт олийгоҳлари талабаларининг «Назарий ва амалий тиббиётнинг актуал муаммолари»га бағишлан-

Қаранг-а, мана шундай жантана-вор кўнларимизда севишли журнал-миз «Кимё ва фармацевтика» ҳам ўзининг 10 йиллик таъаллуқ кўнни нишонламоқда.



ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ 65 ЁШДА

ФАРМАЦИЯ ТАЪЛИМИДА ПРОВИЗОРЛАР
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Холида ЮНУСОВА,
институтнинг ўқув ишлари
бўйича проректори, фармация
фанлари доктори

Ўзбекистон Республикасининг 6 май 1967 йилдаги 211-сонли қарорига биноан 1996 йил март ойидан бошлаб, Тошкент Фармацевтика институтини қишлоқ провизорлар малакасини ошириш факультетини (ПМОФ) ташкил этилди.

Ўшбу қарорга мувофиқ факультет тўрт мутахассислик бўйича факультет курсига бошланди:

- провизор-ташкilotчи;
- провизор-технолог;
- провизор-аналитик;
- химик-экспертлар.

ПМОФ биринчи ташкilotчи ва биринчи декани фармация фанлари номзоди Т. Абдалов (1967-1971 й.) бўлган. Ундан кейинги йилларда факультетда доцент

Н. Ахмаджонова (1972-1984 й.), профессор Э. Тошмухамедов (1985-1986 й.), доцент О. Бондаренко (1987-1995 й.)лар факультетга раҳбарлик қилдилар.

1995 йилдан бошлаб доцент Р. Зияев декан бўлиб ишлаб келмоқда. 1969-1994 йилларда ПМОФ бўйича 8 мингга яқин мутахассис-провизорлар, шу жумладан, провизор-ташкilotчилар – 3327 та, провизор-технологлар – 2774 та, провизор-аналитиклар – 1256 та, суд-тиббийоти бюроси химик-экспертларидан – 559 таси ўз малакаларини оширдилар. Шунинг таъкидлаш лозимки, ўшбу йилларда провизор-ташкilotчи, провизор-технолог, провизор-аналитиклар циклига малака ошириш учун асосан Ўзбекистондан мутахассислар келган бўлса, химик-эксперт лавозимига ишловчилар эса собиқ иттифоқдош республикаларнинг барча жойларидан келганлар.

ПМОФ тингловчиларига юқори маънавий профессор-ўқитувчилар дарс берганлар. Фармация ишлари ташкил қилиш фанидан профессор Э. Тошмухамедов, доцентлар: Т. Абдалов, В. Захаров, А. Тошпўлатов, Т. Мирҳайитов ва бошқалар.

ПМОФ орқали 1996 йилдан бошлаб ҳар йили 500 га яқин мутахассис провизорлар малака ошириш курсини ўтганлар. 1986-1994 йилларда 4000 дан ортиқ мутахассис ўз малакасини оширди.

1994 йилдан бошлаб, қўшимча равишда «Гомеопатик дори воситалари

технологияси ва сифати» цикли ташкilot этилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 23.10.95 йилдаги 501-сонли буйруғи провизорлар малакасини оширишда тўб бурилиш ясади. Ўшбу буйруққа мувофиқ ПМОФда 3 та цикл ташкilot этилди.

1. Дорихона муассасалари иқтисодиёти ва фармациядаги долзарб муаммолар.

2. Дори тайёрлаш технологияси.

3. Дори сифатини назорат қилиш.

Ўшбу муддатда барча циклларда 1 ой қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Даволаш-профилактика муассасалари ишлари яқинлаш тўғрисида» 5.09.2001 йил 400-сонли буйруғини бажариш мақсадида институтнинг «Даволаш-профилактика муассасалари дорихоналари ходимларини малакасини ошириш тўғрисида» 27.09.2001 йилда 128-сонли буйруғи чиқди. Шу асосда ПМОФ қишлоқда махсус 15 кунлик «Шифохона дорихонаси ишлари ташкilot қилиш» ҳамда «Дори тайёрлаш технологияси ва сифатини назорат қилиш» цикллари ташкilot этилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси суд-тиббий биро экспертизасининг илтимосини қондирган ҳолда 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб, суд-қимматлар учун ихтисослашган курси ташкilot этилди.

Шунинг таъкидлаш лозимки, амалий фармация ходимларига яқиндан ёрдам бериш ва факультет ишлари ташкilot-

лаштириш мақсадида 1996 йилдан бошлаб, виллоят ДАБ қошида кўчама цикллари ташкilot этилмоқда.

Аммо, 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдирига биноан ўшбу муддат 3 ҳафтага келтирилди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан 5 ноябрь 2000 йилда режа ва дастур тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш аниқда тақдирлаштириш ҳақидаги 24 июнь 1997 йилдаги 302-сонли буйруғига биноан институт малака ошириш факультетини қишлоқда 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб, тиббиёт билим юрти фармацияга бўлими ўқитувчиларининг малакасини ошириш цикли ташкilot этилди.

Тошкент Фармацевтика институтини малака ошириш факультетини хорижий мамлакатлар провизорлари малакасини ошириш факультетини ташкilotчилардан келиб чиққан ҳолда, ҳамда иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ечиш мақсадида 1996 йилдан бошлаб, ҳар ўқув йилида 5 тадан кўчама цикллари ташкilot этилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 19 ноябрдаги 06-/283-сонли хатига биноан институт провизорлар малакасини ошириш факультетини қишлоқда суд-тиб-



Раҳим ЗИЯЕВ,
фармация малакасини
ошириш факультетининг
декани, доцент

биёт эксперт қимматларини учун 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб, ихтисослашган цикли ташкilot этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида ҳамкорлик шартнома-си» ҳақида 22 январь 2002 йилда 20-сонли буйруғи эълон қилинди. Ўшбу буйруқ асосан Тошкент Фармацевтика институтини Республикадаги 16 та махсус тиббиёт билим юртиларининг фармация бўлими билан узулсиз ва узвий таълим бўлини ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома-лар тўзди.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР
– ҲИМОЯГА МУҲТОЖ

«Ўлкамиз – Ўзбекистон доривор ўсимликларга бой», «Доривор ўсимликларни йиғиб-териб олинг, улар безарар», деган гаплар кўп учрайди. Ўзбекистоннинг доривор ўсимликлар ўсадиган ерлари саноклидир ва заҳиралари ҳам борган сари камайиб кетмоқда. Улар ҳимояга муҳтождир.

Ўзбекистонда деярли даражада бемалол йиғиб-териб олинган доривор ўсимлик йўқ. Охириги маълумотларга кўра, бизда кенг тарқалган исирик, янтоқ ва бошқа ўсимликлар кескин камайиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ўн-ўн беш йил илгари Қашқадарё виллоятида оққурай заҳирасини аниқлаб,

ҳом аш ё нҳоятда кўп деган бўлсак, 2001 йилда қайта қўрилганда оққурай заҳирасини кескин камайиб кетганлигини кўриб, тежамкорлик билан ишлаши ке-



рак деган хулосага келдик. Ҳозирги кунда нҳоят кўпайиб кетган табиблар, ишбилармонлар ва айрим фирмалар табиатни талон-тарож қилиб, бўзоч, далай, бўймадорон, кийик ўт ва яна бир қатор ўсимликларни аёвсиз йиғиб олмақдалар.

Юқорида келтирилган доривор ўсимликлар муҳофаза қилинмаса, улар йўқ бўлиб кетаверса, қизил китобга номзод бўлаолмасликлари табиийдир. Ёввойи ҳолатда ўсадиган доривор ўсимликлар хом ашёсини йиғиб олиш учун ҳар бир ўсимлик тааллуқли йиллик йиғиб олиш меъёри бўлиши керак. Бу меъёрни аниқлаш учун асосан ўсимликни тикланиш даври, заҳираси, ўсиш шароити ва қолаверса, тиббиёт талабини билиш зарур.

А. ИБРОҲИМОВ,
фармация фанлари
доценти, профессор.

ИНСТИТУТ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

ГУЛЛАБ-ЯШНА
ИСТЕДДОД

Иқтидорли талабаларга профессор М. Азизов ва «Доридармон» стипендияларининг топирилиш маросими.



Кутубхоналар

қадимдан зиё масканни ҳисобланган. Компьютер синфи унинг кўрки бўлиб, у интернет тармоғига уланган. Кутубхонада 9 та компьютер, 4 та принтер ва ксерокс ўқувчилар хизматига.



Талабаларнинг турмуш тарзи, ҳаёти, дам олиш бўйича институт маънавият-маърифат бўлими жонқуярлик қилади. Унинг бошлиғи қимматли фанлари номзоди Комилжон Чўлпонов талабаларнинг энг яқин таянчи ва маслаҳатчиси.



Талабанинг диққат-эътибори устоз берган сабоққа қаратилган бўлиб, бу билимлар бир умр унинг учун жаҳоҳрлар сандиги бўлиб қолиши шубҳасиздир.



Тошкент Фармацевтика институтининг байрам саҳифалари бош ҳоимиси «Фармед» хусусий фирмаси.

Манзил: Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани Ибрат кўчаси, 1-уй. Тел: 47-98-94, 47-98-90.

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравсохранение Узбекистана» газетаси таҳририяти ҳам Тошкент Фармацевтика институтининг 65 йиллик қутлуг санаси билан чин дилдан муборакбод этади.

ТАҲРИРИЯТ.

Байрам сони саҳифаларини тайёрлашда институт ходими, қимматли фанлари доктори, профессор Собир АМИНОВ ва таҳририят ходимлари иштирок этдилар.

ФАРМАЦЕВТИКА МУЗЕЙИ

Республика фармацевтика музейи 1980 йилда Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиғига бағишлаб, Тошкент шаҳар марказий дорихонасида ташкilot этилди. Ўқув ишлаб чиқариш дорихонасида музей ташкilot этилганлиги Тошкент фармация институтини жамоаси ва талабалари иродаларига мос равишда ўлкамизнинг дорихоналик соҳасидаги Беруний, Фаробий, Хоразмий, Алишер Навоий каби аждодларимиз даври ва бу соҳадаги битмас-туганмас ҳазина соҳибни Ибн Сино асарларидаги дорихоналикнинг бой таъриқларини талабаларга ўргатиш, уларда Ибн Сино, «Тиб» дорихоналигининг тарихий афзалликларини тарғиб этишдаги кўргазмалар далилларини қўлиги ва ноблиги билан ажралиб туради. Музей экспонатларида Ибн Сино дорихоналик амалиётини даъво қилган бир мазмунини ташкilot этса, замон дорихоналигини мазмунини фарминститут, фармацевт мазмунинидаги экспонатлар сакланиб қолинган. Инсоният тарихини даъво қилган, яъни ер юзидан бирламчи пайдо бўлган давлатлар Миср, Греция, қадимги Рим давлатлари давлолаш усулларидан тортиб, маданийлаштирилган меъвали дарахтлар меъвали, гули, бағри ва доривор ўтлардан амulet, талисман, маска қабила давлолашда қўлланган.

Қадимги Рим, Греция тиббий амалиётларида синналиб, «Авесто»да келтирилган давлолаш манба ва усулларини Ибн Сино асарларида еритилишига бағишланган экспозицияларнинг дарак

бериши, тиббий цивилизация илдиэи ўрта Осиё тупроғида ривожланганлигидан далолат беради. Унинг асосидаги Галин, Ибн Сино дорихоналик таълимотларининг ривожланиши нафақат Ибн Сино даврида, «Тиб» дорихоналигини, балки дорихоналик илми ривожининг ҳозирги кунига давом этиб келмоқда. Гипократ, Пленийдан тортиб ўз давригача бўлган тиббий илмларни муҳасамлаштириб, «Тиб» кўнунларининг праттан Ибн Синога аталган экспозициялар орқали умумлашарият тиббиёт кашшофи хизматлари қўрсатилган. Қадимдан маданият бешиги бўлган Марказий Осиё пойтахти Бухородаги «Китоб қори» Ибн Сино сиймоси ила унинг ҳаётини қўрсатувчи экспозициялардан 19 таси музей экспонатлари 1969 йили Тошкентда госпитал дорихонаси ташкilot этилиб, сўнгра вокзал олдидаги 4-дорихона ташкilot тогган.

Дорихоналар сонининг кўпайиши билан «Дорилар олдида кўпгина касалликлар чекинадилар» мавзусида тўпланган экспозициялар диққатга сазовордир. Унда фармтехнологиянинг ҳозирги ютуқлари қўрсатилган. Узафармансават ва Фарминститутларининг муасталиклар даъво қилган ривожини, ундаги профессор ва ўқитувчилар ижодий ҳаёти шу мавзудаги фотоларларда берилган. Музей фармация тарихи ва ҳаётини акс эттириб, Ибн Сино «Тиб» дорихоналигини ташкilot этиб, унинг ривожини таъминловчи илм маркази бўлиб қолади деган умиддамиз.

ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ ИНСТРУМЕНТЫ И РЕАГЕНТЫ К НИМ

от двух мировых лидирующих производителей:

Рош Диагностика (Германия)**Сисмекс (Япония) Sysmex**Биохимический анализатор/реагенты
Иммунологический анализатор/
реагентыАнализаторы электролитов и газов
в крови

ПЦР и молекулярная диагностика

Анализаторы мочи/реагенты

Анализаторы коагуляции/реагенты

Измерительные приборы глюкозы/
стрип-полоскиГематологический анализатор/
реагенты

У нас имеется сертифицированный инженер, который обучался у специалистов Рош Диагностики. Вы можете получить подробную информацию, проконсультироваться и выбрать оптимальный вариант у официального и эксклюзивного дистрибьютора Рош Диагностики (Германия) и Сисмекс (Япония) в Узбекистане «АГАТА ИМПЕКС ЛТД»

Узбекистан, Ташкент, 700000, ул. Шахрисабзская, квартал Ц-1Б

Тел: (+99871) 1330500, 1360784 Факс: (+99871) 1367902 E-mail:

jayanta@agatagroup.com

Анжуман**«УЗБЕКИСТОН
НЕВРОЛОГЛАРИНИНГ
III СЪЕЗДИ»**

Шу йилнинг 17-18 октябрь кунлари Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Узбекистон Республикаси неврологларининг III съезди бўлиб ўтди.

Съездда Юртбошимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг неврология хизматида намоян бўлган томонлари ва бу хизматни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Илмий дастур бўйича эса асаб касалликларини ташхис қилиш, даволаш ва унинг олдини олиш бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва ҳал этилмаган муаммолар кўриб чиқилиб, 100 дан ортиқ илмий маърузалар тингланди.

Съезд ишида МДХдан неврология соҳасидаги етакчи олимлар ва мутахассислар иштирок этдилар.

(Съезд тўғрисидаги тафсилотлар билан газетамизнинг кейинги сониди танишасиз).

ЯНГИЛИКЛАР• НОВОСТИ • СОБЫТИЯ
• КОММЕНТАРИИ**БЕГАРАЗ ЁРДАМ**

АҚШ давлат департаменти мамлакатимизга замонавий ташхис ва даволаш ускуналарини бегараз ёрдам сифатида юборган эди.

Фарғона водийси вилоятларига келтирилган тиббий ускуналарнинг баҳоси қарийб 50 миллион долларни ташкил этади. Айни пайтда АҚШлик тиббиёт мутахассислари водийлик ҳамкасбларига ускуналардан фойдаланишни ўргатиш ва тақриб алмашиш мақсадида Андихонга келишди.

АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги томонидан молиялаштирилаётган «Здрав Плюс» дастури доирасида амалга оширилаётган ушбу тадбир туфайли вилоятнинг Хўжаобод, Бўз, Улутнор туманлари қишлоқ тиббиёт муассасаларига замонавий ускуналар ва дори-дармонлар топширилди.

«НАЖОТ»**МАДАДГА ТАЙЁР**

Қарши шаҳрида «Нажот» жамоатчилиги маркази иш бошлади. Ушбу марказ ҳақ-ҳуқуқини яхши билмай, айрим ноҳақликларга учраётган аёллар ва ўсмирларга ёрдам кўрсатади.

Марказ ходимлари орасида малакали ҳуқуқшунослар, тиббиёт ходимлари бор. Айни пайтда улар вилоятнинг қўлба қишлоқларида долзарб ва ҳаётий мавзуларда семинар-тренинглар ўтказишни бошлаб юбордилар.

**ВНИМАНИЕ
ПОДРОСТКАМ**

В Гулистане состоялось расширенное заседание актива Сырдарьинской области, посвященное итогам проверки состояния профилактической и воспитательной работы среди несовершеннолетних, проведенной комиссией по делам несовершеннолетних при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

В нем участвовали руководители областного хокимията, руководители правоохранительных органов, областных управлений народного образования, здравоохранения, труда и социальной защиты населения, отделений общественного движения молодежи «Камолот». Вел заседание хоким области А. Исроилов.

Газетамизга обун бўлишни унутмадингизми?

**Фаолиятлари давомида йўл қўйилган қонунбузарликлар учун
лицензияларининг амал қилиши тугатилган юридик шахслар
РЎЙХАТИ**

№	Ташкилот, корхона, дорихона муассасасининг номи ва манзили	Лицензия рақами ва берилган сана	Лицензия бериш ҳайъати қарорлари
1	«Шахобиддин» хусусий дорихонаси – Бухоро вил. Ромитан т-н, Ромитан ж/х, Наврўз посёлқаси	№1215 30.05.00 й	30.08.02 й 12-сон
2	«Шафқат» хусусий дорихонаси – Бухоро ш., Алпомиш кўча, 9/2 уй	П-0256 20.03.99 й	30.08.02 й 12-сон
3	«Шифокор» хфд – Қашқадарё вил. Чироқчи туман, Хайиткул ширкат хўжалиги, Додик кишлоғи	№1876 23.08.01 й	30.08.02 й 12-сон
4	«Азиза ПГА» хфд – Қашқадарё вил. Чироқчи т-н, Жумаев кўча, 2-уй, дехқон бозори	№0943 4.01.00 й	30.08.02 й 12-сон
5	«Эгамберди ота» хфд – Қашқадарё вил. Чироқчи туман, Элмуродов кўчаси	№1566 27.03.01 й	30.08.02 й 12-сон
6	«Соҳиджон 94» хусусий дорихонаси – Навоий ш., Раваншова к., 7-уй	№0690 28.09.99 й	30.08.02 й 12-сон
7	«Табиб» хусусий дорихона шахобчаси – Навоий ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 99-98	П-2493 пр-л №12 23.08.01 й	30.08.02 й 12-сон
8	«Ибн Сино» хфд – Сирдарё вил. Гулистон ш., 3-мавзе Савдо маркази	П-1964 26.04.99 й	30.08.02 й 12-сон
9	«Феруз» хусусий дорихонаси – Сирдарё вил. Ховос т-н, Фарход 5-дахаси, Ҳамза кўча, 4-уй	№0803 26.10.99 й	30.08.02 й 12-сон
10	«Файратжон» хусусий дорихонаси – Сурхондарё вил. Денов туман, Регистон кўча, 34-уй	№1375 10.08.00 й	30.08.02 й 12-сон
11	«Севара» хусусий дорихонаси – Бухоро ш., Шарқ 1 дахаси, 19/1 уй	П0231 20.03.99 й	19.09.02 й 13-сон
12	«Умарбобо» хусусий дорихонаси 20.03.99 й Бухоро ш., Алпомиш к., 9-уй	№0085 26.04.99 й	19.09.02 й 13-сон
13	«Зебунисо» хусусий дорихонаси – Бухоро ш., Мустақиллик к., 5-уй	П1027 1.04.99 й	19.09.02 й 13-сон
14	«Дармон» хусусий дорихонаси – Қорақўл т-н, Сайёт ж/х, 3-бригада	№0356 22.06.99 й	19.09.02 й 13-сон
15	«Бальзам шифо» фирма дорихонаси – Қўқон ш., Бухорий к., 7-уй	П2065 26.04.99 й	19.09.02 й 13-сон
16	«Меҳр шафқат» кичик корхона дорихонаси – Қувасой ш., Мустақиллик к., 32-уй	№0425	19.09.02 й 13-сон
17	«Мунис» хусусий тиббиёт маркази дорихонаси – Нарпай т-н, Мирзабод қўргони	П1144 1.04.99 й	19.09.02 й 13-сон

(Давоми бор).

Мутахассис маслаҳати

ДАВОСИЗ
ДАРД ЙЎҚ

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, кейинги йилларда сут безлари раки билан касалланиш анча кўпайиб борапти. Бунга сут безларининг раки олди касалликлари ўз вақтида аниқлаш ва етарли даволамаслик сабаб бўлмоқда. Ўсма олди касалликлари келиб чиқишида аёллар жинсий аъзоларида бўлган ўзгаришлар ва касаллиқлар, уларни ўз вақтида даволатмаслик катта роль ўйнайди. Бунинг натижасида сут безлари эпителийи касалликка чалинади. Кам туғиш, сут келишининг қисқа муддатли бўлиши, кўп марталаб аборт қилдириш, яъни бола олдириш, аёллар жинсий аъзоларининг, қалқонсимон безларининг, жигарининг касалланиши бунга сабаб бўлади. Мастопатиянинг пайдо бўлишида руҳий изтироблар ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

Мастопатия билан кўпинча бола туғадиган ёшдаги аёллар касалланади. Юзага келган хавфли жараённи ва унга мойил қиладиган касалликлари ўз вақтида аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунда абортлар, болани эмизишни вақтидан илгари тўхтатиб қўйиш ва мастопатия ўртасида алоқадорлик бор-йўқлигини кўриб чиқиш керак.

Маълумки, сут безлари тўқимасининг тузилиши ва унинг иши аёл кишининг ёшига, бўйида бўлишига, болага кўракни бериб эмизишига қараб ўзгаради. Бу ўзгаришлар ички секреция безлари, асосан тухумдонлар ишлаб чиқарадиган гормонларнинг бевосита таъсирида рўй беради.


Аёл кишининг бўйида бўлганда гормонлар таъсирида безсимон тўқима шишади, сут безлари бўлаклари катталашади. Бола туғилмайдиган вақтга келиб, безсимон бўлаклари анча катталашиб, оғиз сути кейинчалик эса сут ишлаб чиқара бошлайди. Одатда бола туғилгандан кейин 10-12 ойгача она кўрагидан сут келиб туради. Ана шу муддат охирига келиб, сут безлари бўлаклари энди кичра бошлайди, сут ишланиб чиқиши камайди.

Шу вақтда она боласини кўпинча эмизмай қўяди, натижада сут безлари асли ҳолига келади. Лекин шуни унутмаслик керакки, аёл киши боласини олдира ёки болани туғиб, уни кўрак сути билан боқмаса сут безларидаги ўзгаришлар шу хилда аста-секинлик билан аслига қайтмайди ва оқибат-натижада сут безларида оғрийдиган қаттиқ тугунлар

пайдо бўлади. Ана шулар мастопатиянинг асосий аломатлари ҳисобланади, энди сут безларининг безсимон ва бирлаштирувчи тўқимаси зўр бериб ўсиб кетади.

Халиги қаттиқ тугунлар вақт ўтиши билан катталашиб кетиши мумкин. Хусусан ҳар сафар бола олдиригандан кейин бу жараён оғирлашаверади.

Гинекологик касаллиқлар, асосан гормонлар мувозанатининг бузилишига олиб борадиган тухумдонлар ишининг бузилиши ҳам мастопатияга сабаб бўлади.



Бу ўзгаришлар натижасида одатда ҳайз кўриш цикли ўзгаради. Шуни унутмаслик керакки, гинекологик касаллиқлари бор жувонларда сут безларида касаллик жараёнлари кўпроқ учрайди. Мастопатия узок кечадиган ва турли-туман намоеъ бўлади. Баъзан тўқималарнинг катталашиб хавфли бўлмайди, бошқа ҳолларда эса хавфли ўсмага айланиб кетиши мумкин. Фақат онколог дардининг қандайлигини аниқлай олади, холос. Шунинг учун ҳам кўрагингизда салгина ўзгариш пайдо бўлиши билан онкологга бориб кўрсатинг.

Сут безларининг шишиши касаллик аломати бўлиши мумкин. Дастлаб бундай ўзгаришлар ҳайз кўришингиздан олдин сезилади, кейинчалик эса, бунга алоқаси бўлмаган ҳолда ҳам пайдо бўлаверади.


Кўрагингиз учидан рангсиз кўнжир, кулранг-кўкимтир ажралма чиқиши ҳам бу касаллиқнинг аломати бўлиши мумкин. Баъзи жувонлар мастопатия билан оғриб қолсалар менда раки борга ўхшайди, деб ваҳимага тушадилар. Шуни унутмангки, мастопатиянинг ҳамма тури ҳам раки олди касаллиги бўлавермайди. Мастопатия билан оғриб қолган жувон ваҳима қилмасдан онкологга бориб ўраши, керак бўлса албатта даволаниши керак. Диффуз мастопа-

тия дори-дармонлар билан тузалиб кетади. Гинекологик касаллиқларни даволатишда асаб бузилмаса, кўнжир яйраб юрса мастопатия тезроқ тузалади. Касаллик бепарволик оқибатида ўтиб кетган бўлса дори-дармонлар ва гормонлар билан даво қилинади.

Диффуз мастопатия бўлгани ҳолда қаттиқ тугунлар аниқ қўлга унмаса энди албатта операция қилиш керак бўлади. Мастопатияси бор беморлар албатта онкологик диспансер ҳисобида назоратда бўлиб, бир ойда бир марта сут безларини текширтириб туришлари лозим.

Бир йилда 2 марта гинекологга бориб, гинекологик касаллиги бор-йўқлигини текширтириши, мабодо бирор дард бўлса даволаниши керак. Булар хавфли ўсманнинг олдини олишнинг энг яхши йўли. Бироқ мастопатия билан оғриманган аёлларда ҳам хавфли ўсmalar пайдо бўлиши мумкин.

Сут безларининг қаттиқлашиши, қонли ажралма чиқиши, шиш устидаги тери рангининг ўзгариши (лимон пўчоғига ўхшаб қолиши), эмчек учининг ичига кириб кетиши сут безлари хавфли ўсма аломати бўлиши мумкин. Шу аломатлардан бирортасини сезгудек бўлсангиз зудлик билан онкологга бориб ўрашинг. Зинҳор ўз билганингизча ёки таниш-билишларнинг маслаҳатлари билан даволанманг. Мабодо аёл кишида чиндан ҳам раки касаллиги топилса, энди нур, кимёвий, гормонлар воситасида даволал керак бўлади. Жарроҳлик йўли билан даволаш масаласини шифо-

МИОКАРД
ИНФАРКТИ

Инфаркт – бугунги кунда «тошбағир» касаликка айланди. Бу дард тетик, соғлом юрган одамга тўсатдан ҳужум қилади ва кўп ҳолларда вазият ўлим билан тугайди. Энг ачинарлиси инфаркт ёшармоқда. Инсон 30-35 ёшида жисмоний ва маънавий жиҳатдан камолотга етиб келаятган даврида касаллик унинг юрагига бир неча сония ичида чанг солсаю, оғир аҳволда қолган беморга ҳеч ким ёрдам бера олмаса бундан ёмони йўқ.

Юракда содир бўладиган фалокат асосан қуйидагилардан иборат: мускулларнинг қон билан етарлича таъминланмаслиги натижасида унинг маълум бир соҳаси ўлади, некрозга учрайди. Юракнинг иши оғир. Бу мураккаб насос бир йилда 3 миллион литргача қонни ҳайдайди. Фақат биргина юрак қисқаришида 400 грамм юқни бир метр баландликка кўтаришга етарли бўлган энергия сарфланади. Одам газабланиши, кўркиши, ваҳимага тушиши оқибатида юрак қон томирлари то-раяди. Ичиш, чекиш, ёғлиқ овқатларни кўп истеъмол қилиш ва семизлик ҳам, томирларнинг торайиши, қон тикилиб қолишига сабаб бўлади. Бузилишлар тез-тез такрорланиб турса, инфаркт миокард бошланиши ҳеч гап эмас. Атеросклероз – томирлар деворида ёғсимон моддалар тўпланиб қолиши натижасида пайдо бўладиган касаллик. Бу касаллик инфарктнинг укаси. Машхур рус терапевти А. Мясников «касаллиқни томирлар деворида ҳали таркибий ўзгаришлар юзага келмаган даврда аниқлашга ўрганилган тақдирдагина атеросклерозни енгиш мумкин бўлади...» деган эди.

АҚШда сўнгги йилларда аҳоли ўртасида атеросклерознинг олдини олиш мақсадида 18-20 ёшдан бошлаб аскорбин кислотасини (витамин С) қабул қилиш, мева ва сабзавотларни, балиқ, товук гўштини истеъмол қилиш, чекишни ташлаш каби одатлар инфарктнинг камийишига олиб келди.

КИМЛАР ИНФАРКТГА ЧАЛИНМОҚДА?

Икки тоифа одамлар гуруҳи инфарктчилар сафини тўлдирмоқда. Булар ижтимоий келиб чиқиши бир-бирига зид бўлган гуруҳлар. Биринчиси: фаол ходимлар, ишбилармонлар, тадбиркор раҳбарлар.

Иккинчиси: ишсизлар, кам таъминланганлар, дайди-лар.

Ҳар иккала гуруҳнинг инфарктга мубтало бўлишига зиддиятли, стрессли ҳолатлар, спиртли ичимликларни керагидан ортиқ ичиш, чекиш, гипертония, кейин инсульт охири инфарктга дучор қилмоқда.

НИМА ҚИЛИШ ЛОЗИМ?

Афсуски, инфаркт осмонни қора булут қоплаб, одамни қақмоқ ургандек бирданга содир бўлади. Одам ишга шошиб кетаётганида, кечкурун ухлаб ётганида ёки нохуш хабар эшитганида инфарктга чалиниб қолиш ҳоллари кўпайиб учрамоқда. Гарчи инфаркт тўсатдан бошлансада, уни олдиндан билса бўлади. Хуруж содир бўлишидан бир-икки ҳафта олдин юрак соҳасида оғриқ сезилари пайдо бўлади. Бу шифокорга бориш учун сигналдир. Биринчи навбатда аҳолининг тиббий билимини ошириш инфарктнинг олдини олишга ёрдам беради. Қон босимини туширишда ўрик шарбатининг ҳосияти кўп. Чекишни ташлаш зарур. Ароқ жуда зарарли. Ичишни ташлай олмайдиغانларга сифатли қизил вино тавсия қилинади. Бу ичимлик иммунитет тизимини мустаҳкамлайди. Қон таркибини оширади. Семириб кетиш, тозаланмаган пахта ва ҳайвон ёғларини истеъмол қилишдан воз кечиш лозим. Гипертония ва атеросклероз доимий ҳамроҳингизга айланиб улгурган бўлса, бир умр антиагрегатлар (тромбо АСС, кардиоаспирин) ичишга ва парҳез қилишга тўғри келади.

Жаҳон Соқлиқни Сақлаш Ташкилотининг тахминий маълумотларига кўра, 20 йилдан кейин ер юзиде энг кўп тарқалган 10 та жиддий касаллик қуйидагича манзара кашф этади.

1-ўринда: юрак қон-томир касалликлари;
2-3-ўринда: депрессия ва оғир жароҳатлар;
қолган ўринларда инсульт, ўпка ва буйрак органларининг сурункали яллиғланиши, инфекциялар, сил ва ҳоказолар;

10-ўринни – ОИТС эгаллаши мумкин.

Назиля ИКРОМОВА,

«Адабиёт жамғармаси» номидаги Тошкент шаҳар поликлиникасининг 1-тоифали шифокори.

Абдувоҳид ХҲҲАЕВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор.

Поздравляем!

**ДОРОГОГО ЮБИЛЯРА
МАХМУДОВА ХАЛИМА
ШАРИПОВИЧА!**

Поздравляю со славным
70-летием!

Путь очень долгий и не-
легкий пройден, но завоева-
ны высоты – мудрости и со-
вершенства. Всеобщее при-
знание, глубокое чувство ува-
жения, симпатии, любовь –
стали заслуженной наградой
за трудолюбие, организатор-
ский талант, редкостную
скромность, деликатность,
глубокую интеллигентность и
обаяние.

Пусть эти добрые, благо-
родные и прекрасные черты
учителя, наставника, духовно-
го друга всей медицинской
общественности республики
станут эталоном для всех гря-
дущих поколений медиков –
хранителей здоровья и лека-
рей жизней человеческих.

Доброго здоровья! Твор-
ческих успехов и дальнейших
поисков желаю в труде не-
легком, но очень благород-
ном!

Будьте счастливы, дорогой
Халим Шарипович!

**С глубокой симпатией
и уважением Ваш-Лев
Николаевич Седин-
Долинский, ветеран
здравоохранения РУз,
врач высшей категории,
кандидат мед. наук.**

**Шунингдек «Ўзбеки-
стонда соғлиқни сақлаш –
Здравоохранение Узбекис-
тана» газетаси тахририяти
жамоаси ҳам муҳтарам
олим Халим Махмудовни
шонли сана билан чин дил-
дан муборакбод этади.**

КОФЕ В КАЧЕСТВЕ ПРОФИЛАКТИКИ БОЛЕЗНИ ПАРКИНСОНА

**Те, кто совершенно от-
казался от кофе, в пять
раз чаще заболевают бо-
лезнью Паркинсона, чем
любители этого напитка.**

Такое результат недавнего
исследования, проведенного в
Соединенных Штатах. Ученые
предполагают, что кофеин ка-
ким-то неизвестным пока об-
разом защищает клетки мозга,
вырабатывающие нервный ме-
диатор допамин. У пациентов,
страдающих дрожательным
параличом, это вещество об-
разуется лишь в незначи-
тельных количествах.

САБОТЛИ ЖАНГЧИ

**Хитойлик шифокорлар
чойни кўпроқ истеъмол
қилишни тавсия этади-
лар.**

Хунан тиббиёт университе-
тининг мутахассислари олиб
борган тадқиқотлари натижаси-
да бу шифобахш ичимлик тар-
кибида бўлган кахетин моддаси
саратон касаллигининг
хужайраларини «халок бўлиши-
га» ёрдам беришини аниқла-
дилар. Қора чой шунингдек, кўк
онкологик хуружларга қарши
курашувчи «саботли жангчи»
бўлиши мумкин.



ХАВОТИРНИ ҚАНДАЙ ЕНГИШ МУМКИН?

ДЕЙЛ КАРНЕГИДАН ТАРЖИМАЛАР

1871 йилнинг баҳорида ёш йигит бир
китобдан 17 та таъсирили сўзни топиб ўқиди ва
бу сўзлар унинг келажак ҳаётини бутунлай ўзгар-
тириб юборди.

У бир пайтлар бўлажак врач – талаба эди.
Монреалдаги умумий даволаш шифоналари-
дан бирида амалий машғулотлар чоғида, уни
шундай муаммолар хавотирга солар эди. Бити-
риш имтиҳонларидан ўта олмадимми? Қаердан
ўзимга иш топсам экан? Мендан яхши шифокор
чиқармакми? Ишни эглай олмамас, тирикчили-
гим қандай кечади?

«Бизнинг асосий вазифамиз – келажакнинг
туманли йўлларида кўз тикиш эмас, балки ай-
нан ҳозир ўзимизга равшан бўлиб кўринган йўл
томон ҳаракат қилишдир». Томас Карнейнинг
бу оддий гаплари бўлажак шифокорнинг ҳаёти-
да катта ўзгаришлар ясади. У ўз даврининг
машҳур терапевт шифокорига айланди. У –
Джонс Гопкинс университети қошида тиббиёт
мактабига асос солди. У – Оксфорддаги тиб-
биёт кироли, профессор деган мартабаларни
қўлга киритди. Бундай муваффақиятга илм из-
лаб, заҳмат тортган олимларгина сазовор бўлар
эди Буок Британияда.

Омадсиз талабаликдан, сэр Уильям Ослер
даражасига кўтарилган шифокор ўз ҳаёти даво-
мида тиббиётга доир иккита катта китобни ин-
сониятга бебаҳо, маънавий хазина сифатида қол-
дирди. Бу галабанинг сирини нимада? деган са-
волга сэр Уильям Ослер «айнан бугуннинг та-
шви билан яшадим ва ҳаракат қилдим, айнан
бугунни – ўтмишнинг ва келажакнинг муаммо-
ларидан тозалашга одатландим, айнан бугун –
томчилаб топишган муваффақият келажакда дарё
бўлишига ишондим» деб жавоб беради.

Инсон иккита абадийликнинг ўртасида яшай-

ди. Биринчиси, эслашга ундайдиган аччиқ ўтмиш.
Иккинчиси, эртага нима содир бўлиши қоронғу
бўлган келажак. Инсон бир вақтнинг ўзига азоб-
ланаётган ўтмишга ҳам, сиқувга олаётган эртанги
қўнға ҳам ўтиб яшай олмайдми. Инсон фақат бу-
гуннинг ичида яшайди. Энг яхши кун – айнан
бугун.

Демак, хавотирланиш ҳақидаги илк тасаввур-
ларингиз сэр Уильям Ослерникига ўхшаш бўлса,
улар сизга тўқсинлик қилса, шундай қоидага амал
қилинг.

Ўтмиш билан келажакни қўлқаб ташланг. Улар
айнан бугунги ҳаётингизга сукулиб кирмасин.
Айнан ҳозир нималар қилиш керак? Фақат шу-
ларни ўйланг. Ўзингизга шундай саволлар бе-
ринг!

1. Бугунги ишни келажак ҳаётим ҳақидаги ха-
вотирли йўлар таъсирида бошқа қўнға қолдир-
иш мумкинми ёки мен қачон атиргулларга бур-
канган сеҳрли богда сайр этиш каби ширин ор-
зуларга берилганман?

2. Ўтмишнинг аччиқ хотиралари сабаб, ҳозир-
ги ҳаётимни ўзим мураккаблаштириб юбормадим-
ми?

3. Хар бир кундан ўзимга фойдали бирон-бир
нарсга олишга берилган 24 соатдан унумли фой-
даланишга ҳаракат қиламанми?

4. Мен айнан бугун бошқаларга қараганда
хаётдан кўп нарсалар олишим мумкинми?

5. Қачондан шундай қилишга одатланишим
керак? Кейинги ҳафтаданми? Эртагами ёки бу-
гунми?

Азиз муштарий! Сиз хавотирланишни қандай
енгиш ҳақида бирон-бир ҳаётий воқеани, одам-
лар орасида ўзингиз гувоҳи бўлган хотираларни
бизга ёзиб юборинг.

Рашид ОРТИҚОВ.



У хирурга:
– Сестра, что у нас
сегодня?

– Два легких случая –
автомобильная катастро-
фа, производственная
травма – и один тяжелый:
муж, отказавшийся мыть
посуду.

Хирург спрашивает у
больного:

– Почему вы убежали из
операционной?

– Потому что медсест-
ра сказала: «Пожалуйста,
без паники. Операция ап-

пендицита – это очень
просто!..

– Ну и что? Это чис-
тая правда.

– Да, но ведь она ска-
зала это не мне, а тому
молодому хирургу!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш»

**«Здравоохранение
Узбекистана»**

**Газета маъноси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги**

**Бош муҳаррир:
С. ОРИПОВ,
профессор.**

**Ижрочи муҳаррир:
И. СОАТОВА.**

**Тахрир хайъати:
М. МИРАЛИЕВ, П. МИРЗОЛАТОВ
(Бош муҳаррир ўринбосарлари),
Х. РАББАНАЕВ.**

**Манзилимиз: 700060, Тошкент,
Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-кават.
Тел/факс: 133-13-22; тел. 133-57-73.**

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида
рўйхатга олинган, гувоҳнома № 00504.

Адади 10.000 нуска.
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.
Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади.
Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни
сақлаш»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.
Буюртма Г-916.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонасида чоп
этилади. Корхона манзилгоҳи:
Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41.
Ҳафтида 2 босма тобоқ. Формати А3. Офсет
усулида босилган. Газета IBM компьютерида
термида ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда
дадилларнинг тўғрилиги учун реклама
ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚҲОҚОВ.
Босмахонага топширилиш вақти 20.00.